



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

НАМАНГАН ДАЪВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ИЖТИМОЙ ФАНЛАР ФАКУЛТЕТЪ

ИЖТИМОЙ ФАНЛАР КАФЕДРАСИ

ФАЛСАФА ФАНЛАРИ НОМЗОДИ, ДОЦЕНТИ

ИСАҚОВА ЗАМИРАХОН РУҲИТДИНОВНА

**ориф, ирфон ва маърифат муштараклиги
Мақоласи**

Наманган-2020

Мутасаввифлар билимнинг манбаи ақлий ва нақлий билим эканлиги ва кашф ва илҳом орқали ҳосил қилинишини эътироф этган ҳолда ирфон илмини “маърифат”, “ҳикмат”, “илми ладун”, “илми ваҳбий”, “илми асрор”, “илми маҳвиба”, “илми фаросат”, “илми мукошафа”, “илми ҳузур” деб аташган. Маърифат атамаси “арафа”, яъни “ўзини билмоқ, танимоқ, англамоқ” деган маънони англатади. Тасаввуфий истилоҳда маърифат Аллоҳни таниш, Ҳақни билиш илми бўлса, кенг маънода маърифат инсоннинг ўзлигини англашидир.

Маърифат тариқатнинг ҳосиласи ва бевосита давоми бўлиб, ориф маънавиятининг кундан-кунга ортиб, коинот ва табиат илм-ҳикмати, шунингдек, инсоний ва илоҳий сирлардан хабардор бўлиши орқали намоён бўлган.

Тасаввуф тарихида мисрлик илк мутасаввиф, замонасининг қутби ва орифлар султони, “вақтнинг имоми” Зуннун Мисрий (ваф. 859 й.) маърифат йўлининг ҳол ва мақомларини ишлаб чиққан бўлса, басралик тасаввуф назариётчиси, Бағдод тасаввуф мактаби асосчиси Ҳорис Муҳосибий (ваф. 857 й.) қалб ва унинг маърифати йўлидаги хавф-хатардан сақланиш йўлини асослаб берган.

Инсон кўнглида илоҳий маърифат чироғини ёқувчи Аллоҳнинг ўзидир. Зеро, асосий нарса ниятда, инсон кўзланган мақсадга эришиши учун ҳар бир қадамини Аллоҳнинг иродасига мувофиқ босиши, сидқ ва ихлос билан Аллоҳ ризолигини тилаши лозимки, шу орқали маърифат йўллари очилади.

Тасаввуф таълимотида ориф, ирфон ва маърифат ҳақидаги қарашлар идрок, билим, ахлоқ, қалб, ҳикмат орқали ифодаланган. Илоҳий маърифат соҳиби бўлган ориф истеъдодини ишга солиши натижасида маърифат, зийраклик, латофат, зарофат, фаросат, гўзал ахлоқ каби фазилатларга эришган. Ориф ахлоқи камолотга етганда илоҳий нур хафиф ва яширин ҳолда порлаб, “вусул” (илоҳий боғланиш – З.И.) келган. Бу мақомда ориф ҳар бир яратилган нарсада Ҳақни кўра бошлаган.

Кубровийлик тариқати намояндаси, хоразмлик мутасаввиф Шайх Нажмиддин Розий (ваф. 1256 й.) маърифатнинг уч шаклини кўрсатган:

ақлий маърифат (рационал билиш – З.И.),

назарий маърифат (илмий билиш – З.И.),

шуҳудий маърифат (мушоҳадали билиш – З.И.) [1.97.].

Ақлий (рационал) билиш барча кишиларга хос (чунки ақл барча инсонда мавжуд – З.И.) бўлса, назарий маърифат шариат аҳлига хос, шуҳудий маърифат мушоҳада, кашф, илҳом орқали намоён бўлиб, унга танланган кишилар (валий, ориф, пир-муршид – З.И.) етишади.

Маърифатнинг илк мақоми орифга нафсида (руҳида) “яқийн” (иймон) берилиши ва у билан тана аъзоларини тартибга солиб, улар орқали дунё эҳтиёжларини қондиришда таваккул қилиши, қалбида уни охиратда нажотга элтувчи ҳайрат ҳосил бўлиши [2.128.] билан намоён бўлади.

Валийларнинг барча ҳаракати Аллоҳ йўлида, Аллоҳ учун, Аллоҳ розилиги учун бўлиб, маърифат “қадар илми”, яъни Аллоҳ азалятида тақдир этган илм ҳисобланади. Маърифат аҳли ҳеч қачон Аллоҳнинг тақдир этганидан бошқасига гувоҳлик бермаган. Уларнинг маърифат борасидаги сўзлари ҳам ўз маърифатлари даражасидадир. Аллоҳ омма учун илм (шариат ва дунёвий илмлар – 3.И.)ни, валий зотлар учун маърифат (қалб илми – 3.И.)ни хос қилганки, “Маърифат Аллоҳнинг ваҳдонияти (бирлиги – 3.И.) билан қалбнинг қарор топишидир” [3.129.].

“Ҳужжат ул-ислом” деб улуғланган туслик илоҳиётчи олим Абу Ҳомид Ғаззолий (ваф. 1111 й.) дейди: “Аллоҳ маърифатини эгаллаш (орифлик – 3.И.)нинг даражаси чегарасиздир, чунки Аллоҳнинг улуғлигини қамраб олиш имконсиз. Маърифат денгизи тубсиз ва ундаги ғаввослар (орифлар) қувватлари даражасида, азалда Аллоҳ тақдир этган манзилгача шўнғийдилар [4.62.]. Илоҳий маърифат йўли чегара билмайди ва илоҳий манзил сари интилган Ҳақ йўлчиларининг мақомлари ҳам ҳадсиз, ҳудудсиз [6.171.].

“Товус ул-Ҳарамайн” (Ҳарам, Каъбанинг товуси – 3.И.) деб улуғланган маккалик шайх ул-ислом Абубакр Тарсусий (ваф. 984 й.) дейди: “Қалбим ва ишқ ўртасида шундай маърифат мавжудки, абадийлик тугаса ҳам у тугамас. Албатта, дунёдан ўтаман, борлиғимдаги муҳаббатдан ҳеч ким огоҳ бўлмас” [6.136.].

Маърифат орқали нарсаларнинг яширин (сирли) моҳияти, илоҳийлиги англашилган, яъни илм ўқиш, ўрганиш орқали эгалланса, маърифат Аллоҳнинг хос кишиларига марҳамати, инъомидир. Орифлар “Кимки ўзини яхши таниса, Парвардигорини ҳам танийди” [7.156.] ҳадисини шарҳлаб, “инсон ўзининг тузилиши, мураккаб таркиби, жисмоний ва руҳоний вужудини ўрганса, Аллоҳнинг улуғ ҳикмати ва беқиёс қудратининг буюклигини англайди, шу билан бирга ўзидаги камчилик ва хатоларни қанча сезиб идрок этса, Аллоҳнинг бенуқсон комил зот эканига ишонч ҳосил қилади” дейдилар. Зеро, “Аллоҳ таолонинг ҳар бир ишида беҳисоб ҳикматлар ва сир-асрорлар бордир” [8.148.]. Маърифат Ҳақни таниш илмидир, чунки Аллоҳ “Ўз илми билан барча нарсани қамраб олгандир” [9.318.].

Имом Раббоний, қавмининг “кубароси” ва “уламоси” Шайх Абдуллоҳ Тустарий (ваф. 896 й.) Аллоҳнинг маърифатига ирфон соҳиблари (ориф) эришишлари, ўзларининг икки дунёда шарафли мақомда эканликлари-ю, икки дунё фарқини билишларини қайд этган [10.118.].

Аллоҳни кашф ва мушоҳада қилиш йўли билан англаш орифнинг ўзига хос хусусияти бўлиб, у “маърифатни илҳом ва ҳол орқали қўлга киритган” [11. 384.]. Орифнинг мақсад ва маслаги, камолот мартабасини тайфурия сўфийлик мактаби асосчиси, “Султон ул-орифин” Боязид Бистомий (ваф. 874 й.)нинг “ориф Ҳақдан бошқани кўрмас, ундан бошқа зотни мувафақат (мувофиқлик) айламас, ўз сирини Аллоҳдан ўзгага сўзламас” [12.39.] деган сўзининг моҳиятидан англаса бўлади.

“Насойим ул-муҳаббат”да шайх ул-машойихнинг маърифат, илм, ориф ва олим, “қол” ва “ҳол” илмининг ўзаро уйғун экани, улар инсон ҳаёлотини ва тафаккурининг икки “фоний” ва “боқий” дунё тушунчаларини бирлаштириши таъкидланади. Жумладан, ўз даври машойихи кибори Ғайлон Самарқандий (ваф. тахм. 975 й.) ориф ва олимга шундай таъриф беради: “ориф Тенгридан Тенгрига боқар ва олим далилдан. Ва соҳиби важд далилдан мустағний дурур” [13.98.]. Бундан кўринадики, ориф Аллоҳга таяниб, ўзи англаган Аллоҳ ҳақиқати асосида фикр юритади ва ҳеч бир далилга эҳтиёж сезмайди. Олим эса ҳар қандай воқеа-ҳодисани шарҳлашда далил ва исботга асосланган.

Ориф илҳом (Аллоҳ томонидан берилган завқ-шавқ, илоҳий билим, ҳикмат, кашф-каромат – З.И.) орқали ғайбни билади: “ва Аллоҳ одамга барча нарсаларнинг исмларини ўргатди” [14.6.] ояти ишорат этган азалий билим бўлиб, руҳлар “илми ладуний”ни (маърифат, кашф, илҳом – З.И.) ҳануз ўрганиш иштиёқида бўлсалар-да, бу илм баъзан вужуд ва борлиқ зулмати билан ўралган бўлади. Ориф вужуддан йироқлашиб ғойибликда покланганда “ладуний илм” (ҳикмат илми – З.И.) илҳомдан баҳраманд бўлган: “Ориф тобеъ ва итоаткор, шарафли руҳлардан билим олган, бу ҳолат у дунёни тарк этгуни қадар давом этади” [15.262.].

Аллоҳга бўлган ўта кучли муҳаббат орқали манзиллар тез забт этилган, жазба қанча кучли бўлса, ҳол тез ўзгарган. Аксарият ҳолларда кўплаб солиқлар маънавий-руҳий юксалмай, хонақоҳ хизматкори сифатида қолиб кетишганки, уларда истак-хоҳиш бўлса-да, шавқ, унс, жазба етарли бўлмаган. Кубровийлик тариқати вакили, зоҳирий ва ботиний илмда ягона Шайх Саъдуддин Ҳуммуйий (ваф. 1252 й.) “то басират кўзи кашф нури била мунфатих бўлмағай, аларнинг идроки мутаъззирдур” [16.294.] деб, маърифат қалб кўзи билан англолмагунча, моҳиятга етиш мушкуллигини қайд этган.

Ориф эгаллаган маърифат шариат илмларини ўз ичига олади ва унга таянади. Бироқ ориф яна жаҳд қилиб, бу илмни тўлдиради, уни илоҳий кашф билан ривожлантиради. “Қамар ус-суфия” деб улуғланган, қавмнинг аиммаси (имоми – З.И.) ва машойихнинг “ажилласи” (улуғи – З.И.), бағдодлик Абу Саъид Харроз (ваф. 899 й.) дейди: “Аллоҳ таолога маърифат ҳосил қилишнинг маъноси Аллоҳ таолони топмасдан илгари уни излашни

билишдир. Илм “биллах” бўлса, Аллоҳни топгандан кейиндир. Аллоҳни билмоқлик, Аллоҳнинг маърифат ҳосил қилишидан махфийроқ ва нозикроқ. Аллоҳни ҳақиқий таниш танувчининг ўзидан воз кечмоқлигидир” [17.56.].

Маърифатнинг том маъноси Аллоҳни топмасдан аввал уни излаш, гуноҳ иш қасд қилиб турганда Аллоҳнинг жалолини зикр қилиб, гуноҳ қилишдан уялиб, Аллоҳга жафо қилмасликдир. “Маърифатнинг ибтидоси (бошланиши) ёлғиз Аллоҳ билан бўлиш учун нафсни поклаш” [18.46.], бўлса, “маърифатнинг чегараси нафс ва унинг истак-хоҳишидан холи бўлишидир” [19.80.]. “Оёту каромот ияси” ва ўз ҳолу вақтида ягона, форслик Абубақр Тамастоний (ваф. 340/951 й.) фикрича, қалб тириклиги нафсни ўлдириш билан амалга ошади [20.134.].

Қалбда маърифат майдонга келгач, қалбнинг ҳоли ўзгаради. Қалбнинг тутуми ўзгаргач, аъзоларининг амаллари ҳам ўзгаради, яъни амал ҳолга, ҳол илмга, илм эса тафаккурга боғлиқ бўлиб қолади [21.189.]. Маърифат руҳи ҳар қандай дунёвий, нафсоний мойилликлардан батамом озод бўлган ва Аллоҳга юзланган инсонларга насиб этадики, “қалби соғлом ва мусулмонларга хайрихоҳ бўлган кишилар одамларнинг яхшироғидир” [22.95.].

Ботиний илмни эгаллаш учун қалбни “тасфия” (ёмон ахлоқ ва ҳис-туйғулардан тозалаш – З.И.) ва “тазкия” (гўзал ахлоқ ва ҳис-туйғулар билан безаш – З.И.) қилиш лозим, чунки маънавий юксалмаган ҳамда жаҳолат ва разолатдан тозаланмаган қалбда маърифат юзага келмайди. Машойих уламози, басралик Ҳорис Муҳосибий (ваф. 857 й.) дейди: “Чин ихлос ва мушоҳада билан ботинини тузатган кишини Аллоҳ мужоҳада ва суннатга тобе қилиш билан зоҳирини ҳам гўзал қилади” [23.45.].

“Лисон ул вақт” ва “вақт имоми” Шайх Абу Али Даққоқ (ваф. 1014 й.) маърифатни қалб орқали англашга даъват этган: “расмий маърифат худди ёзги ёмғирга ўхшайди, на беморга шифо беради, на чанқокни қондиради” [24.68.].

Маърифатнинг илоҳий талқини қалбнинг камолотга етиш жараёнида акс этган. Орифлар қалбнинг уч хилини тасвирлаганлар:

1) вайрона бўлган уйга ўхшаш қалб, душман унга парво ҳам қилмайди, чунки ўғирлашга арзийдиган нарсанинг ўзи йўқ. Бу жоҳил, золим ва мунофиқнинг қалбидир.

2) кўп мол-дунёга эга бой хонадонга ўхшаш қалб. Бундай уйларни ўғрилар эгаллашга иштиёқманд бўладилар. Агар уй яхши кўриқланмаган бўлса, ўғри киради, бойликни ўзининки қилади, агар уй яхши назорат қилинса, ўғрилар киролмайди ва панд ейдилар. Бу мўмин, муваҳҳид ва обид инсонларнинг қалбидир.

3) подшоҳларнинг дуру жавахирларга тўла, темир кўрғон ва мустаҳкам қалъа билан ўралган саройга ўхшаш қалб, ўғрилар бу ерга киришни ҳаёлларига ҳам келтира олмайдилар. Аллоҳнинг хос бандаларининг, набийлар, валий ва ориф зотларнинг қалбидир.

Илк сўфийлар инсон қалбини етти қават осмон каби етти қисмга бўлганлар ва ҳар қайси қисм маърифатнинг муайян жараёни вазифасини бажарган.

“Қисмат” (қалб пардаси – З.И.) шайтон васвасаси ва куфр ишлардан қалбни асраган бўлса, “қалб” (инсон танасининг чап томонида жойлашган қалбнинг ўзи – З.И.) унинг иймони ҳисобланган. “Шикок” халққа бўлган меҳр-шафқатга айтилган бўлса, “фуъод” (юррак – З.И.) кўз билан англаб кўриладиган вақтдир. “Хуббат ул-қалб” Аллоҳга бўлган муҳаббатнинг асоси бўлса, “сувайдо” – илоҳий сирнинг ориф зотларга англанидир. “Мухжат ул-қалб” Аллоҳнинг сифатларига айтилган [25.90.].

Тасаввуфда “қалб” концепциясини илгари сурган ва сўфийни қалб воситасида ўзлигини англашга даъват этган мутасаввиф, термизлик Ҳаким Термизий (ваф. 908 й.) дейди: “Маърифат руҳи ҳар қандай дунёвий, нафсоний мойилликлардан покиза бўлган, бутун фикри-зикри билан Аллоҳга таважжуҳ қилган инсонларга насиб этади” [26.36.].

Ҳаким Термизий “Баян ал-фарқ” асарида қалбнинг “ас-садр”, “ал-қалб”, “ал-фуъод”, “ал-лубб” мақомларини мухтасар баён этиб, қалбнинг тўрт қисмдан иборатлиги, ҳар бир қисм Аллоҳ нурлари билан боғлангани, яъни “ас-садр” – ислом нури, “ал-қалб” – иймон нури, “ал-фуъод” – маърифат нури, “ал-лубб” – тавҳид нури эканлигини таъкидлаган. Ҳаким Термизий қалб мақомларини тариқат манзиллари, шунингдек, нафснинг “нафси аммора” (ёмонликка буюрувчи нафс, ширк, куфр, жаҳл, ғафлат, гуноҳи кабира, кибр, хирс, баҳиллик, шахват, ғазаб, ҳасад, кин-адоват – З.И.), “нафси лаввома” (маломат, пушаймонлик, қилган гуноҳ учун ўзни койиш – З.И.), “нафси мулҳима” (кўнгилни эзгулик, гўзаллик, яхшилик билан тўлдириш – З.И.), “нафси мутмаъинна” (сабр, ризо, қаноат, ишонч, хотиржамлик, таваккул – З.И.) ҳолатлари билан ўзаро боғлиқ эканлигини асослаб берган [27.38-39.].

Инсон қалби ва руҳининг камолга етиши маърифат даражаларида куйидагича акс этади:

а) “Қалб нурланиши сабабли унда Аллоҳнинг маърифати жой олади ва инсоний сифатлар ва ақлий ноқисликлар барҳам топади” [28.133.], яъни маърифат нурларининг порлашидан Аллоҳнинг комил инсон воситасида тажаллий этиши, моддий оламнинг гавҳари кўнгил ва илоҳий исмлар мазҳарининг маркази эканлиги англашилган. Бу ишққа эҳтиёж сезган

кўнгилнинг илк даражаси бўлиб, кўнгил ишқ орқали юксак даражаларга эришган ва камолот сари илк қадам комилларга эргашиш ва уларни севишдан бошланган.

б) Аллоҳ дўстларига яқинлашиш ва пир-муршид (шайх – З.И.) билан суҳбат ишқ йўлига кирган ошиқнинг маънавий покланишини тезлаштирган, нафсига қарши курашиб, ишқ дардида минг пора бўлган кўнгилнинг иккинчи даражасида ҳиммати баланд, Аллоҳ учун жонини фидо қилишга тайёр ошиқ намоён бўлган.

в) қалбнинг “фуод” даражасида эса ишқ ва кўнгилнинг ҳақиқий қудрати намоён бўлган ва маърифат сирлари очилган, яъни ўзликдан кечиб, Аллоҳ васлига интилган қалб ишқ ўтида поклангач, ғайб илми хазинасига айланган. Ориф учун басират (фаросат, ҳақиқатни қалб билан ҳис қилиш – З.И.) “фуод” мақомида очилган [29.40.].

г) қалбнинг “илми ладуний”га етишиб, илоҳий моҳиятга интилиши қалбнинг “сувайдо” даражаси бўлиб, унда илоҳий ишқ кўнгилни батамом забт этиб, ўзга нарса, ўткинчи майда эҳтиёжлар мавҳ бўлган. Форслик Шайх Абу Музоҳим Шерозий (ваф. тахм. 886 й.) маърифат бобида фасоҳат билан сўз айтганки, машойих унинг сўзидан қўрқувга тушганлар [30.50.].

д) қалбнинг “хайрат” мақоми бўлган “муҳжат ул-қалб” даражасида руҳий-маънавий юксалган кўнгилда олам ва одамни бирлаштириб турувчи илоҳий мўъжизаларнинг туб моҳияти “чеҳрайи мақсуд” (Аллоҳ – З.И.) тажаллий (жилоланиш, кўриниш, нурланиш – З.И.) этган.

Маърифатнинг ҳақиқати хайрат [31.30.]дирки, бу даражада ориф аслият, моҳият ва вужуд ҳақиқатини англаб, хайратга тушган, кўнгли ғайб оламига парвоз этган ва ваҳдат мақомига эришган.

е) қалбнинг Аллоҳ сифатлари билан сифатланиши маърифатнинг юқори даражаси бўлиб, “вужуди Мутлақ” билан бирлашиш, илоҳий руҳга кўшилиб, факру-фанога эришилган: “фақат ўз тажрибаси ва ўз феълидан сўзловчи кишигина бу илм (маърифат – З.И.) ҳақида гапириши жоиздир” [32.91.].

“Райҳонат уш-Шом” деб улуғланган дамашқлик Абу Сулаймон Дороний (ваф. 830 й.) маърифатнинг юқори даражасида “Икки дунёда мурод бирдин ўзга бўлмағай” дейди, яъни бу даражада қалб ўзликдан кечиб, Аллоҳ маърифатига эришгач, ваҳдат – бирлик ҳосил бўлади.

Ҳирот нақшбандийлик тариқати муршиди Абдуррахмон Жомий (ваф. 1492 й.) маърифатга қуйидагича таъриф беради: “Маърифат мухтасар илмларни тафсилотлар суратида танимоқдир. Илоҳий маърифат илоҳий зот ва сифатларни аҳвол ва ҳодисалар тафсили ва нузул бўлган амрлар суратида таниш демақдир” [33.50.]. Бу “ваҳдат ул-вужуд” таълимотидан келиб

чиқадиган фикр, яъни борлиқ беҳисоб шакллар, хоссалар, ранглар, ҳаракатлар, қиёслар, суратлар, ҳодисаларни ўз ичига олади. Бу ҳисобсиз шаклу шамойил эса Худо яратган оламнинг хусусиятини белгилайди ва барчаси Аллоҳ тажаллийси туфайли қойим, мавжуддир. Буларнинг барчаси Аллоҳнинг ягоналигини ва Мутлақ вужуд эканлигини исботлайдиган мисоллардир. Парвардигор “ижмол” (мухтасар – З.И.) бўлса, олам шу ижмолнинг тафсили – ёйилгани. Ориф ана шу тафсилотларнинг ҳар бирида Аллоҳ амри, тажаллийси-қудратини ҳис этиб, англаб, буни умумлаштириб, жамлаб, хулосалаб (“жузъ”дан “кулл”га, “тафриқа”дан “жамъ”га, оддийдан мураккабга, қуйидан юқорига, илмдан аслга қараб бориш – З.И.), кўриб, “ҳақиқий мавжудлик ва “Мутлақ фоил” Аллоҳнинг Ўзи эканини англаб етсин” [34.11.].

Маърифат Аллоҳ зотини Унинг сифатлари, тажаллийси орқали таниш экан. Буни эса ориф қалби идрок этиши мумкин. Шу боис ҳам “ваҳдат ул-вужуд” таълимоти асосчиси, андалусиялик илоҳиёт олими Ибн Арабий (ваф. 1240 й.) маърифатга олиб боровчи билимларни “ақлий-ҳиссий”, “ҳол” ва “сирр ул-асрор” илмига ажратган.

Биринчи илм зоҳирий илмлар билан шуғулланадиганлар илми бўлса, иккинчи илм ҳол мартабасига кўтарилган сўфий ва орифлар илми, яъни важд, завқ ҳолатида кашф этилган илмлардир. Учинчи илм авлиёлик илми бўлиб, маърифат аҳли илмларни тўғридан-тўғри Аллоҳдан олганлар, илмлар шуъла, нур кўринишида қалбларга жойлашган [35.40.]. Жумладан, ўз даврининг ғавси ва машойих улуғи Шайх Ҳаммод Даббос (ваф. 1130 й.) “бесавод эди, лекин унга маърифат ва сирлар эшиги очилиб, улуғ шайхларнинг раҳбарига айланди” [36.275.], яъни ладуний илмдан баҳраманд бўлиб, Ҳақ маърифатига эришган.

Илоҳий маърифатга эришиш мартабалари қуйидагича:

биринчидан, дунёдаги барча мавжудотларнинг Аллоҳ томонидан яратилганига иймон келтириш, ҳар бир нарсани “Мутлақ фоил”нинг (Аллоҳ – З.И.) асари деб билиш;

иккинчидан, Аллоҳнинг сифатларини англаш, бу сифатларнинг олам ўзгаришлари, воқеа-ҳодисалар, нарсаларда зухур этишини англаш;

учинчидан, Аллоҳнинг мурод-мақсадини ҳар бир сифат тажаллийсида кўриб, таниш;

тўртинчидан, илоҳий илм суратини ўзининг маърифати суратида таниш ва ўзини илм-маърифат, шунингдек, вужуддан соқит этиш, тавҳид ва фано мартабаларига эришишдир.

Валийлар кашф ва мушоҳада орқали Аллоҳни ҳақиқий маънода билиб, маърифатни илҳом ва ҳол орқали қўлга киритган [37.384.]. Шунга кўра,

уларни аҳли дин, аҳли яқин, аҳли назар, валий, яқийн, курб, ориф, орифи биллоҳ деб аталган.

Буюк мутафаккир, нақшбандийлик тариқатининг намояндаси, илм ва ирфон соҳиби Алишер Навоий (ваф. 1501 й.) “Лисон ут-тайр” асарида маърифат ва орифликнинг мазмун-моҳиятини очиб берган, яъни ўттизта қуш тимсоли орқали тариқатга кирган сўфийнинг изтироби, Аллоҳ сари талпинишини тасвирлаган. Қушлар Худхуд (пир) раҳбарлигида муайян тайёргарлик босқичларини ўтаб, сўнгра рухий-психологик ҳолатларни билдирадиган етти водий (“талаб”, “ишқ”, “маърифат”, “истиғно” [37.285.], “тавҳид”, “хайрат”, “фақру фано” – З.И.)ни кезиб чиқишга чоғланадилар:

“Талаб” – сўфийнинг ўзини руҳан тайёрлаши, талабгорлик босқичи;

“ишқ” – беинтиҳо жидду жаҳд, азму иродани бир мақсадга йўллаш, тинимсиз талпиниш;

“маърифат” – Буюк Поклик олами асрорини ўзлаштириб, билиб олиш;

“истиғно” – ўзининг ожизлиги, Аллоҳнинг буюклигини, ўзининг муҳтожлиги, ноқислиги ва Аллоҳнинг эҳтиёжсизлиги, комиллигини англаш;

“тавҳид” – яккаланиб, алоиқлардан жудо бўлиб, Ҳаққа юз тутиш;

“хайрат” – Аллоҳ жамоли ва камолини мушоҳада қилиш жараёнида ўзини йўқотиш, хайратга тушиш;

“фақру фано” – бу дунёдаги барча нарсалар Аллоҳ сояси эканини англаб етиш.

Маърифат талабгорлик ва ишқ туфайли ҳосил бўлади. Шунингдек, маърифат водийсида сўфий тафаккур ва мушоҳадага ғарқ бўлади – медитация юз беради. Бу ўзига хос психологик ҳолат бўлиб, унда диққат бир нуқтага жамланади, инсоннинг бутун вужуди ғояга айлангандек бўлади, жисми бўшашиб, руҳи тийранлашади, гўё ташқи оламни унутади. Алишер Навоий талқинига кўра, маърифат водийсида оламнинг бепоёнлиги, ихтилофлар, зиддиятларга тўла эканлиги, тараққиёт ва таназзул бирга эканлиги, хилма-хил интилишлар, ниятлар, орзу-армонлар мавжудлиги ва тўқнаш келиши, доно ва нодон, улуғ ва кичик, зулмат ва нур аралаш-қуралаш эканини англайди. Минглаб йўлларни мушоҳада этади ва ўзи танлаган йўл энг тўғри, ҳақ йўл эканига иқрор бўлади [39.401.].

Маърифат Худо яратган олам қонуниятлари, ҳикмату ҳақиқатларини англаш, билиш орқали Аллоҳнинг ўзини, Унинг куч-қудратини англаб етиш экан, орифлар мана шу босқичда дунёвий илмдан илоҳий илмга қараб борганлар, аниқроғи – дунё илми Аллоҳ илмининг тафсири эканини билиб, хайратга тушганлар. Шу боис ҳам халқнинг энг орифи, уларнинг Аллоҳ зотининг улуғлигида энг қаттиқ хайратланувчи кишилари ҳисобланади. Яъни хайрат-таажжубланиш, хайрон қолиш, ўзликни унутиш ҳолига етган ориф

инсон қалбини Аллоҳнинг қудрат ва ҳикмати нурини тил билан баён этишининг иложи бўлмаган туйғу қамраб олади: “орифликнинг энг биринчи даражаси аввал ҳайрат, кейин ўзини фақир деб билиш, кейин Унга боғланиш, кейин Аллоҳ зотидаги ўша биринчи ҳайрат билан Унинг феъллари, унга берилган неъматларидан ҳайратланишдир” [40.116.].

Маърифатга эришган орифнинг аломати шуки, “ориф Аллоҳни зикр этиб чарчамайди, ундан ўзга билан суҳбатдош бўлмайди” [41.29.]. Орифнинг маърифати ҳад-худудсиз, чексиз-чегарасиз эмас. Орифнинг қалбини кўзгуга ўхшатадилар, ҳар бир ориф Аллоҳ билдирганича билади. Зеро, Аллоҳ “орифка сиррида бир кўзгу берибдурки, ҳар қачон у кўзгуга боқса, ани кўргай” [42.69.].

Ориф учун вақт (замон) борми, деган саволга орифлар “йўқ” дейдилар. Чунки вақт бўшлиқ бўлиб, унда сўфий ўз машаққатларидан дам олади. Орифнинг вақти зулматдир, яъни ориф бир лаҳза ҳам маърифатдан тўхтамайди.

Орифлар “Биз ўз илмларимизни ўлмайдиган, доимо тирик зот, яъни Аллоҳдан олганмиз” [43.27.] деб Аллоҳга “қалб ва ботин билан мутаважжих (юзланади – З.И.) бўладилар” [44.63.].

Маърифатнинг ҳар бир босқичида орифнинг руҳий-маънавий ҳолати ўзгаради. Нарсалар зоҳирини билган оддий сўфий ўзини ҳамма нарсани билгандек ҳис этади, аммо ҳақиқат эшиклари очилганда, билимнинг бепоенлигидан ўзини йўқотади, сўнгра таҳлил-тадқиққа ўтади ва барча билимлар моҳиятан бир Мухтасарга (кулл, Аллоҳ – З.И.) олиб боришини билиб олади ва хотиржам бўлади, иймони мустаҳкамланади.

Нафсининг залолатидан қутулган ва руҳи жисмидан устун бўлган валий намоз, рўза, зикр каби кундалик вазифаларни ҳеч бир малоллик сезмай, хузур қилиб қалб иродаси билан адо этади. Бўлажак воқеаларнинг тақдир эканлиги ҳамда қисматни Аллоҳнинг иродаси деб билган валий Аллоҳ берган ризққа қаноат қилиб, ҳар бир ишда Аллоҳни ўзига таянч-мададкор деб билади.

Аллоҳ исмларини қалбига нақшлаган орифни Аллоҳ кўркувидан бошқа ҳеч бир кўркув изтиробга солмайди. Аллоҳ унинг барча амалларини бошқариши, яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам Аллоҳдан эканлигини англаган ориф ихтиёрини Аллоҳга топширади, Аллоҳ учун яшайди, Аллоҳ учун одамларга яхшилик қилиб, Аллоҳ учун ёмонликдан сақланади.

Бундан кўринадики, агар Аллоҳ ўзи танлаган валийсига ўзини танитса, унга муҳаббатни ҳам, кўркувни ҳам, йўқотишни ҳам, бойликни ҳам, камбағалликни ҳам сезмайдиган қилиб қўйган, чунки улар унинг учун ҳеч бир маънога эга бўлмаган. Маърифат орқали Аллоҳ ва инсон ўртасидаги

пардалар кўтарилган [45.160.]. Инсон “маърифатуллоҳ ганжининг амини ва маҳрами” [46.13.] бўлса ҳам, “маърифат сиррига етиб бўлмайди” [47.82.].

Шарқ мумтоз адабиёти асосчиларидан бири, шерозлик мутасаввиф Саъдий Шерозий (ваф. 1292 й.) талқинига кўра, дарахтларнинг барглари Аллоҳни таниган бандасига Ҳақ таолонинг маърифатидан хабар беради [48.462.], орифлар Аллоҳ яратган ҳар бир нарсадан ҳикмат излайдилар, уларга қалб кўзи билан қарайдилар, яъни оддий дарахт баргида ҳам Аллоҳ ҳикмати ва маърифатидан далолат берувчи аломатлар мавжуд.

Тасаввуф маърифати ва маънавиятининг мезони гўзал ва пок ахлоқдирки, юксак даражадаги ахлоқ ва соғлом эътиқодни шакллантириш учун инсонни илм ва касб-хунар ўргатиш лозим, чунки илм инсонда эзгу орзу-ҳавас, соғлом фикрларни уйғотса, касб ана шу ниятларига етишида восита бўлган.

Инсоннинг эзгу ахлоқ, соғлом эътиқод ва буюк қалб эгаси бўлиб яшаши – маъноли яшашдир. Орифлар инсоннинг нафсини тарбиялаш йўли билан уни маърифатга олиб чиқиш ва комил инсон даражасига етказишни мақсад қилганлар ва бу борада тариқат пирлари (шайх) ўз тарбия усулларини ишлаб чиққанлар. Улар қалбни қорайтирадиган нарсалар кўп ейиш, кўп сўзлаш ва кўп ухлаш эканлиги, нафсни ислоҳ этиш учун меъёрида овқатланиш, камтар бўлиш, озода кийиниш, мазмунли умр кечиришга эътибор қаратиш лозимлигини уқтирганлар.

Инсон нафсини тарбиялаш билан уни маърифатга олиб чиқади ва маърифат туфайли комил инсон даражасига эришади. Маърифатнинг ҳар бир босқичида орифнинг ҳоли ўзгариб, сурат, белги, моҳият, ўзликни англашгача бўлган даражани босиб ўтади. Хуллас, ориф илоҳий маърифатни эгаллаган, ирфон нури қалбида жўш урган, ғайб илмига мушарраф бўлган юқори мартабага эришган зотдир. Яратувчисини қалб нури билан таниганлар аҳли маърифат бўлиб, Аллоҳ ҳар кимнинг қалбида, уни таниш, сезиш учун имконият яратади, йўл кўрсатади. Ориф маърифат (ҳақиқат сирларини англаш – З.И.) орқали мақсадга эришади.

Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги жамият маънавий баркамоллигига боғлиқ. Буюк мақсадларга инсон маънавий, сиёсий, ҳуқуқий оламининг муҳим омилларидан бири – маърифат орқали эришилади. Онг ва тафаккурдаги ўзгаришни фақат маърифат билан бойитиш мумкинки, жамият тараққиётининг асоси, жамиятни муқаррар ҳалокатдан қутқариб қоладиган ягона куч маърифатдир.

Манба ва адабиётлар

1. Мухаммедходжаев А. Гносеология суфизма. – Душанбе.: Дониш, 1990. 97-бет.
2. Шайх ал-Калободий. Тасаввуф сарчашмаси. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги бадий адабиёт нашриёти, 2002. 128-бет.
3. Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. Мукамал асарлар тўплами. Йигирма жилдлик. Ўн еттинчи жилд / Нашрга тайёрловчилар С. Ғаниева, М.Мирзааҳмедова. Арабча ва форсча матнларни таржима қилиб, нашрга тайёрловчи ва масъул муҳаррир С.Рафиддинов. – Т.: Фан, 2001. 129-бет.
4. Абу Ҳомид Ғаззолий. Ихёу улум ид-дин. Тавба китоби / Араб тилидан таржима. Таржиймон ва луғат тузувчи Рашид Зоҳид. – Т.: Мовароуннаҳр, 2003. 62-бет.
5. Кирабоев Н., М. Ал-Джанаби. Знание и вера в философии ал-Газали / Сравнительная философия. Знание и вера в контексте диалога культур. – М.: Восточная литература, 2008. 171-бет.
6. Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. 136-бет.
7. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Ҳадис 1. Ал-Жомийъ ас-Саҳиҳ. Ишонарли тўплам. Арабчадан Зокиржон Исмоил таржимаси. Профессор Неъматуллоҳ Иброҳимов ва шоир Мирзо Кенжабек таҳрири остида. – Т.: Қомуслар бош таҳририяти, 1991. 156-бет.
8. Абу Ҳомид Муҳаммад ал-Ғаззолий. Ихёу улум ид-дин. Муҳаббат, шавқ, унс ва ризо китоби. 148-бет.
9. Қуръони Карим маъноларининг таржимаси Тоҳа сураси, 98-оят / Таржима ва изоҳлар муаллифи Абдулазиз Мансур. – Т.: Тошкент ислом университети нашриёти, 2001. 318-бет.
10. Шайх Ал Калободий. Тасаввуф сарчашмаси. 118-бет.
11. Али ибн Усман аль-Джуллаби аль-Худжвири. Раскрытие скрытого за завесой для сведущих в тайнах сердец. (Кашф аль-махжуб ли арбаб аль-кулуб) / Пер. с английского А.Орлова. Издание первое. – М.: Единство, 2004. 384-бет.
12. Фаридиддин Аттор. Тазкират ул-авлиё (Авлиёлар китоби) / Мирзо Кенжабек таржимаси. – Т.: ЎзМЭ, 1997. Фаридиддин Аттор. 39-бет.
13. Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. 98-бет.
14. Қуръони Карим маъноларининг таржимаси. Бақара сураси, 31-оят. 6-бет.
15. Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. 262-бет.
16. Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. 294-бет.
17. Шайх ал-Калободий. Тасаввуф сарчашмаси. 56-бет.
18. Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. 46-бет.
19. Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. 90-бет.

20. Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. 134-бет.
21. Имом Абу Ҳомид Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Ғаззолий. Ихёу улумиддин. I-китоб. – Т.: Мовароуннаҳр, 2003. 189-бет.
22. Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. 95-бет.
23. Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. 45-бет.
24. Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. 68-бет.
25. Каттаев К. Махдуми Аъзам ва Даҳбед. – Самарқанд.: Суғдиёна нашриёти, 1994. 90-бет.
26. Уватов У. Ал-Ҳаким ат-Термизий. –Т.: Маънавият, 2001. 36-бет.
27. Ҳаким ат-Термизий. Баян ал-фарқ байна ас-садр ва ал-қалб ва ал-фуъад ва ал-лубб / Араб тилидан Н.Абидова таржимаси. – Т.: Тошкент ислом университети, 2006. 38-39-бетлар.
28. Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. 133-бет.
29. Шайх Саййид Абдулқодир Гийлоний. Сиррул-асрор. Мактубот / Таржиймон, нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи: О.Жўрабоев. Масъул мух: С.Ҳасанов, С.Рафиддинов. – Т.: Мовароуннаҳр, 2005. 40-бет.
30. Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. 50-бет.
31. Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. 30-бет.
32. Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. 91-бет.
33. Абдурахмон Жомий. Нафаҳот ул-унс. Тошкент нашри, О.А.Порцев литографияси, 1915. 5-6-бет.
34. Абдурахмон Жомий. Нафаҳот ул-унс. 6-бет.
35. Степанянц М.Т. Философские аспекты суфизма. – М.: Наука, 1987. 40-бет.
36. Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. 375-бет.
37. Аль-Худжвири. Раскрытие скрытого. 384-бет.
38. Истиғно – етарлилик, эҳтиёжсизлик, бошқаларга мухтож эмаслик. Навоий асарлари луғати / Тузувчилар П.Шамсиев, С.Иброҳимов. –Т.: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1972. 285-бет.
39. Алишер Навоий. Лисон ут-тайр. Насрий баён билан бирга. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1991. 401-бет.
40. Шайх ал-Калободий. Тасаввуф сарчашмаси. 116-бет.
41. Имом Абу Абдурахмон Суламий. Табақоти сўфийя / Таржима, нашрга тайёрловчи ва муқаддима муаллифи М.Нуриддинов. – Т.: Фан, 2004. 29-бет.
42. Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. 69-бет.
43. Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор. Табаррук рисоалар / Нашрга тайёрловчи, таржиймон, сўз боши ва изоҳ муаллифлари: Маҳмуд Ҳасаний,

Баҳриддин Умрзоқ, Ҳамидуллоҳ Амин. Масъул муҳаррир Б.Абдуҳалимов. – Т.: Адолат, 2004. 27-бет.

44. Жалолиддин Румий. Маънавий маснавий. Куллиёт. Биринчи жилд. Биринчи китоб (Таржима шарҳи билан) / Таржиймон Асқар Маҳкам. Шарҳ муаллифлари Обиддин Пошшо, Карим Замоний, Асқар Маҳкам. Масъул муҳаррир: Т.Маҳмудов. – Т.: Шарқ, 1999. 63-бет.
45. Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. 160-бет.
46. Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. 13-бет.
47. Ҳаққулов И. Тасаввуф сабоқлари. – Бухоро.: Бухоро нашриёти, 2000. 82-бет.
48. Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. 462-бет.